


Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг афзаллик ва камчиликлари

Бабамуратова Мақсуда Бахшуллоевна

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Тадбиркорликни давлат томонидан маълум бир шарт-шароитлар яратилгандагина амалга ошириш мумкин. Унинг таркиб топиши авваломбор жамиятдаги маълум бир вазиятнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, ундаги сиёсий ва иқтисодий вазият тадбиркорлик фаолиятини таркиб топтиришга йўналтирилган бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан керакли қонунлар, қарорлар, фармонлар ва шу каби ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар ҳаётга тадбиқ келинмоқда. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида иккита фонд: тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фондлари ташкил этилган.

Тадбиркорлик фаолиятининг келажаги тадбиркорлик муҳити билан белгиланади, у эса жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни акс эттиради. Ижтимоий-иқтисодий вазиятга иқтисодий мустақиллик, тадбиркорлар синфи, иқтисодий алоқаларда бозорнинг устуворлиги, тадбиркорлик капиталини мужассамлантириш шароитининг мавжудлиги ва керак бўлган ресурсларни ишлатиш киради (1-расм.)



1-расм. Тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши

Тадбиркорликни ташкил этишнинг энг оддий шакли якка тартибдаги тадбиркорлик ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шаклидир. Бундай фаолиятни амалга ошириш учун “якка тартибдаги тадбиркор” сифатида давлат рўйхатидан ўтиш кифоя.

1-жадвал

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлари	Камчиликлари
<p>Ўз фаолиятини мустақил бошқариш ҳуқуқига эгаллиги. Якка тартибдаги тадбиркорлик мураккаб бошқарув тузилмасига эга эмас. Яъни, унда корхонадаги син гари директор, бухгалтер каби лавозимларни ташкил етиш шарт эмас. Ушбу вазифаларнинг барчасини якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзи бажаради</p>	<p>Ўз фаолияти натижалари учун чекланмаган шахсий жавобгарликка эгаллиги. Дейлик, сиз якка тартибдаги тадбиркор сифатида зарарга кириб қолдингиз. Бу қандай ҳолда рўй берганидан қатъи назар, сиз ушбу фаолиятга сарфланган маблағларни ўз мол-мулкингиз билан қоплашга мажбурсиз</p>
<p>Фаолият юртишининг нисбатан енгиллиги. Масалан, юридик шахс кўринишидаги корхоналар зарур ҳолларда ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш имконига эга эмас. Якка тартибдаги тадбиркор учун эса тегишли солиқ идорасига мурожаат қилиш орқали ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатиб туриш ва бу давр учун солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни амалга оширмаслиги рухсат етилади</p>	<p>Фаолиятни кенгайтиришда ёлланма меҳнатдан фойдаланишининг чекланганлиги. Яъни, қонунчиликка кўра, фаолият турига қараб, бир нафардан уч нафаргача ходимни ёллашга рухсат етилади. Бу эса, якка тартибдаги тадбиркорга ўз фаолиятида кўп ишчиларни талаб қилувчи технологияни жорий қилишга имкон бермаслиги мумкин</p>
<p>Алоҳида юридик манзилнинг талаб етилмаслиги. Сиз ўзингизнинг доимий яшаш манзилингизни кўрсатган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорликни рўй-хатдан ўтказишингиз мумкин</p>	<p>Маблағларнинг у қадар катта бўлмаслиги йирик лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қилиши. Сиз акциядорлик компанияси сингари кўшимча акция чиқара олмайсиз, йирик ҳамкорлар, кўшимча маблағларини жалб эта олмайсиз</p>
<p>Ҳисоботлар топширишининг енгиллаштирилган тартиби қўлланилиши. Масалан, қонунчиликка кўра кичик тадбиркорлик субъектлари фақат давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига, якка тартибдаги тадбиркорлар эса, давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклларда</p>	

ҳисобот тақдим этади

Сиз якка тадбиркорликнинг айрим камчиликларини оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш орқали ҳал этишингиз мумкин. **Оилавий тадбиркорлик** – оила аъзолари ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан ташкил этиладиган тадбиркорлик фаолиятидир.

“Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади”¹.

Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш орқали ўзингиз яшаб турган жойда фаолият юритишингиз ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотишингиз мумкин. Бунда сиз ўз турар жойингизни яшаш учун мўлжалланмаган жойга айлантиришингиз шарт эмас. Шунингдек, сиз тадбиркорлик фаолиятни ўз уйингизда ташкил этсангиз, электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти каби коммунал хизматлар ҳақини аҳоли учун белгиланган тарифларда тўлашингиз мумкин. Бу эса, бошқа шаклдаги корхоналарга нисбатан катта имтиёз демакдир. Оилавий тадбиркорликни юридик шахс ташкил этмаган ва юридик шахс ташкил этган ҳолда ташкил қилишингиз мумкин.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик **оилавий тадбиркор (ОТ)**, юридик шахс ташкил этган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик **оилавий корхона (ОК)** деб номланади.

2-жадвал

Оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари ва камчиликлари

Афзалликлари	Камчиликлари
Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамкорликдаги фаолиятнинг юқори самарадорлигини таъминлайди	Оилавий муносабатларнинг иш билан боғлиқ муносабатларга салбий таъсирининг мавжудлиги
Ҳар бир оила аъзосининг ақлий ва жисмоний имкониятларини яхши билиш самарали меҳнат тақсимотидан фойдаланишга замин яратади	Айрим ҳолларда оила аъзоларининг мутахассис сифатидаги малака ва кўникмаларининг етарли бўлмаслиги
Тадбиркорлик фаолиятида оиладаги мавжуд кўшимча ресурс ва имкониятлардан фойдаланиш натижага ижобий таъсир кўрсатади	Оилавий тадбиркорликни йирик корхона шаклида ташкил этиш имкониятининг чекланганлиги

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сон “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда.

Оиладаги ёшларнинг тадбиркорлик сирларини ўрганиб боришига имкон яратади	
--	--

Жаҳон амалиётида ўзининг фаолият кўлами бўйича хўжалик юритиш имкониятлари чекланган тадбиркорлик субъектларини ажратиш олиш тажрибаси мавжуд. Чунки ушбу тадбиркорлик субъектлари давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса, зарур шарт-шароитлар яратиш берилмаса, улар бошқа йирик корхоналар олдида рақобатдошлигини йўқотиб, ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Улар кичик тадбиркорлик ёки кичик бизнес субъектлари деб юритилади. Кичик тадбиркорлик субъектларини ажратишда дунёда кенг қўлланиладиган мезонлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишловчиларнинг ўртача йиллик сони;
- асосий ва айланма маблағлар ҳажми;
- фойда (даромад) ҳажми;
- маҳсулот сотишдан ялпи тушум ва бошқалар.

Хусусий корхона ягона мулкдор томонидан тузилади. Мулкдор хусусий корхонага тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди. Хусусий корхона таъсисчиси фақат жисмоний шахс бўлади. Бу бир шахс томонидан яратилган ташкилот бўлиб, бизнес фаолияти таъсисчининг ўз мулклари асосида амалга оширилади.

Мамлакатимиздаги хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни осонгина ажратиш олиш мумкин. Чунки, мазкур маҳсулотларнинг ишлаб чиқарувчиси тўғрисидаги маълумотда фирма номидан кейин “хусусий корхона” деган сўз ёки “ХК” аббревиатураси ёзилган бўлади.

Масъулияти чекланган жамият — аъзолари жамият мажбуриятлари бўйича фақат ўзлари қўшган улуш доирасида жавобгар бўладиган жамият. У бир ёки бир неча жисмоний ёки юридик шахсларнинг келишувига кўра ташкил этилиб, юридик шахс ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамият устав фонди жамият аъзоларининг улушларини қўшиш орқали шакллантирилади. У энг кам иш ҳақининг 40 баробаридан кам бўлмаган миқдорда бўлади. Жамият иштирокчилари сони 50 нафардан ошмаслиги лозим. Агар иштирокчилар сони белгиланган чегарадан ошиб кетса, жамиятни акциядорлик жамиятига айлантириш керак бўлади.

Жамият аъзоси ўз улушини бошқа шахсга фақат жамият розилиги билан ўтказиши ва сотиши мумкин. Жамият қарзлари бўйича таъсисчилар фақатгина компанияга киритган ҳиссалари доирасида жавобгар ҳисобланадилар, холос.

Жамият фойдаси унинг иштирокчилари ўртасида уларнинг устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра таъсисчиларга эълон қилинган дивиденд суммаларига нисбатан солиқ ҳисобланади.

Тадбиркорлик шакллари орасида нисбатан кўпроқ таниш бўлганларидан бири – акциядорлик жамиятидир. Чунки у энг йирик шакллардан бири ҳисобланиб, айрим ҳолларда корпорация деб ҳам юритилади. Бугунги кунда жаҳонда етакчи бўлган Apple inc., Microsoft каби компаниялар шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327-сон “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармони.